

Хушхабар: Муфтий ҳазратлари Исломий фикҳ академияси аъзолигига қабул қилиндилар



23:56 / 20 апрель 877

2024 йил 20 апрель куни Саудия Арабистони пойтахтида Ислом олами уюшмаси таркибидаги Исломий фикҳ академиясининг 23-давра йиғилишида Ўзбекистон мусулмонлари идораси раиси, муфтий Нуриддин Холиқназар ҳазратлари ушбу Кенгаш аъзолигига қабул қилинганлари эълон қилинди.

Исломий фикҳ академияси Нуриддин Холиқназар ҳазратларини ушбу нуфузли академия аъзолигига қабул қилиш ҳақида қарор қабул қилди.

Унда иштирок этаётган дунёнинг етакчи уламолари Муфтий ҳазратларини ушбу мартаба билан қутлаб, Ўзбекистондаги диний-маърифий соҳадаги ислохотларни юқори баҳоладилар.

Шу ўринда айтиш ўринлики, охириги йилларда Диний идоранинг мусулмон дунёси билан алоқалари ривожланиб, турли йўналишларда муносабатлар йўлга қўйилди. Айниқса, халқаро ташкилотлар билан амалий ҳамкорлик ўрнатилди, турли давлатлар диний идоралари билан меморандумлар имзоланди, хориждаги илмий конференциялар, Қуръон мусобақалари ва кўргазмаларда вакилларимиз фаол иштирок этмоқда.

Таъкидлаш керакки, шу пайтга қадар ҳам Нуриддин Холиқназар ҳазратлари Халқаро мусулмон уламолари кенгаши ва Мусулмон донишмандлар кенгаши аъзоси сифатида нуфузли тадбирлардаги ташаббуслари мусулмон дунёси томонидан қўллаб-қувватланмоқда.

Шунингдек, долзарб мавзудаги чиқишлари Миср Араб Республикаси, Қатар, Россия ва МДҲдаги бир қатор давлатларнинг минглаб кузатувчиларга эга бўлган сайт ва ижтимоий тармоқлар, газета-журналларда араб, инглиз ва рус тилларида нашр этилди.

Ўзбекистон вакилининг мазкур кенгашга қабул қилингани юртимизда давлатимиз Раҳбари раҳнамолигида амалга оширилаётган кенг кўламли диний-маърифий соҳадаги ислохотларнинг юксак эътирофи бўлди.

Муфтий ҳазратлари ўз навбатида ташкилот раҳбарияти ва аъзо уламоларга билдирилган ишонч учун самимий ташаккур айтдилар. Шунингдек, муштарак мақсадлар бўлмиш Ислом дини, мусулмон умматига хизмат қилиш, Ислом фикҳининг эътироф этилган манбаларидан бутун дунё мусулмонлари дуч келаётган замонавий муаммоларга ечим топиш, мусулмонлар олдида турган масалаларни ҳал қилишда муносиб иштирок этиш, Ислом фикҳий меросини тарғиб қилиш ва бу соҳадаги илмий тадқиқотларни рағбатлантириш борасида бор билим-тажриба ҳамда имкониятларини сафарбар этишларини маълум қилдилар.

Шу билан бирга, нуфузли Кенгашга аъзолик шараф бўлиш билан бирга катта масъулият эканини сўзладилар.

Алоҳида қайд этиш жоизки, Нуриддин Холиқназар ҳазратларининг ушбу илмий ташкилотга аъзо бўлишлари Аллоҳ таолонинг фазли ҳамда ёрдами ила 35 йилдан зиёд вақт мобайнида Ислом дини маърифатини кенг ёйиш ва мўмин-мусулмонлар эҳтиёжини таъминлашдаги фидокорона меҳнатлари самарасидир.

Аллоҳ таолодан Муфтий ҳазратларига Исломий фикҳ академиясидаги фаолиятларида улкан зафарлар тилаймиз.